



Агросервис Хизматларини Ривожлантиришнинг Стратегик Ва Инновацион Йўналишлари

Абилов Феруз Нематуллаевич

Самарканд вилоят хокимининг Кишлоқ ва Сув хужалиги масалалари бўйича
уринбосари, СамИСИ тадқиқотчиси

Аннотация. Мақолада агросервис хизматларини ривожлантиришнинг стратегик ва инновацион йўналишларини тадқиқ қилиш масаласи қараб чиқилган бўлиб, унда аниқ йўналишлар келтирилган. Бунда асосан масаланинг назарий масаласи тадқиқ қилиниб, унда бешта стратегик ва олти инновацион йўналишлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, уларни амалга оширишнинг асосий йўллари ҳам кетирилди.

Калит сўзлар: агросервис, хизматлар, маҳсулотларни етиштириш, сақлаш, ташиш, сотиш, совутгичлардан фойдаланиш, инновацион йўналишлар, стратегик йўналишлар.

Стратегические И Инновационные Направления Развития Агросервиса

Аннотация. В статье рассматривается проблема исследования стратегических и инновационных направлений развития агросервиса, приводятся конкретные направления. Исследована теоретическая сторона вопроса, разработаны пять стратегических и шесть инновационных направлений. Также представлены основные пути их реализации.

Ключевые слова: агросервис, услуги, производство продукции, хранение, транспортировка, реализация, использование холодильного оборудования, инновационные направления, стратегические направления.

Strategic And Innovative Directions Of Agroservis Development

Abstract. The article examines the problem of studying strategic and innovative directions of agricultural service development, and provides specific directions. The theoretical side of the issue is studied, five strategic and six innovative directions are developed. The main ways of their implementation are also presented.

Keywords: agricultural service, services, production, storage, transportation, sales, use of refrigeration equipment, innovative directions, strategic directions.

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида, унинг ижросини таъминлаш бўйича бир қанча ҳужжатларда иқтисодиётнинг бошқа соҳалари билан бирга агросервис хизматларини ривожлантиришнинг ҳам стратегик йўналишлари белгилаб берилган. Буни амалга оширишда асосан инновацион омиллардан фойдаланган ҳолда турли йўналишлари ҳам тавсия қилинган. Чунки мазкур соҳа республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Ушбу заруриятдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти озиқ-овқат саноатини ҳам янада ривожлантириш тўғрисида қарорлари ҳам қабул қилинди. Бунда кўзда тутилишича “Қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш. Бир гектардан



олинадиган ўртача даромадни 5 минг долларга етказиш. Қишлоқ хўжалиги соҳасида экспорт ҳажмини йилига 10 миллиард долларга етказиш. Аграр соҳага жами 15 миллиард доллар инвестицияларни жалб қилиш. Ҳосилдорлик кўрсаткичларини пахта бўйича ўртача 45 — 50 центнерга, ғалла бўйича — 80 — 85 центнерга етказиш. Қўшимча 300 минг гектар ер майдонини замонавий сув тежайдиган технологияларни қўллаш орқали ўзлаштириш ва мазкур ерларда озуқабоп, доривор, мойли, дуккакли, шоли, ғалла, сабзавот, полиз экинлари экиш, интенсив боғ ва узумзорлар ташкил этиш. Маҳаллий сабзавот, полиз, картошка уруғлик таъминотини 50 фоизга етказиш. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш кўрсаткичининг 25 фоиздан юқори бўлишини таъминлаш. Республика ҳудудларида 2,5 миллион тонна қувватга эга бўлган 100 та янги агрологистика марказлари фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг экспорт салоҳиятини 1 миллиард долларга етказиш. Ер муносабатларини ислоҳ қилиш доирасида ер майдонлари ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш механизмининг жорий қилиш. Кўчатчилик хўжаликлари реестрини юритиш ва кўчатларни сертификатлаш тизимини жорий қилиш. Ҳар бир туманда аграр соҳадаги илм ва инновациялар, янги ёндашувлар, замонавий агротехник тадбирларни амалга оширишга кўмаклашувчи марказларни ташкил қилиш. Деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда кластерларга барча субсидияларни ягона «Агросубсидия» платформаси орқали «бир қадам» тамойили асосида тақдим этиш. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва чорвани суғурта қилиш тизимини ислоҳ қилиш, алоҳида суғурта жамғармасини ташкил этиш ва унга 100 миллион долларни жалб қилиш, деҳқон ва фермерларга суғурта мукофотининг 50 фоизини субсидиялаш тизимини жорий қилиш. Чорвачилик соҳасида озуқа базасини мустаҳкамлаш, яйлов ерлардан унумли фойдаланишни таъминлаш. Пиллачилик соҳасида кластер тизими асосида 105 минг гектар янги тутзорларни барпо қилиш ва 1 миллиондан ортиқ янги иш ўринларини яратиш.”¹ каби масалаларни белгилаб берди. Бунга эришиш учун албатта агросервис хизматларининг ҳам ўрни бекиёс. Шу нуқтаи назардан макур масала ўта долзарб ҳисобланади

Тадқиқот методологияси. Мақолада агросервис хизматларини ривожлантиришнинг стратегик инновацион йўналишлари тадқиқ қилиш жараёнда индукция ва дедукция, макон ва замон, мантиқий таҳлил, иқтисодий таҳлил ва синтез каби услублардан ва ёндашувлардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги кунда агросервис хизматларини ривожлантириш жуда долзарб ва стратегик муҳим йўналиш ҳисобланади. Чунки, соҳани ривожлантириш объектив заруриятга айланиб қолди. Бунга эришиш учун қуйидаги тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади.

Биринчидан, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект юқори ҳосилдорликка ресурсларни тежаш йўли билан эришиш масаласини жорий қилишга интилиб яшаш кўникмасига ўрганиши лозим. Шу йўл билан ҳосилдорлик 10-15 %га ошган ҳолда харажатлар ҳам тежалади. Натижада агросервис соҳасида ҳам иқтисодий самарадорлик кескин оширилади. Бунга эришиш учун замонавий агрегатлар, GPS, дронлар, сенсорлар каби инновацион технологиялардан, экологик жиҳатдан талабга жавоб берадиган минерал ўғитлардан ва дори-дармонлардан ҳам фойдаланиш лозим лозим бўлади. Шунингдек, буларнинг натижасини электрон мониторинг қилиб бориши ҳам мақсадга мувофиқ. Қишлоқ ҳудудларида ирригация тизимлари самарадорлигини ошириш ва сув ресурслардан ҳам фойдаланишни оптималлаштириш бугунги кунда муҳим ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон.



Иккинчидан, барча белгиланган вазифаларни бажаришда замонавий билимга эга бўлган **малакали кадрлар корпусини** шакллантириш эвазига жадал тараққиётга эришиш лозим бўлади. Ҳозир Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган бир қанча олий ва ўрта махсус таълим ташкилотлари билан бирга Агросервис Марказлари ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларини тайёрлаш, маслаҳат бериш ва инновацияларни тарқатиш учун ташкил қилинган миллий марказлар салоҳиятидан ҳам самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, атроф-муҳитишни муҳофаза қилиш эвазига экологик барқарорликни таъминлаш ҳам бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири сифатида қаралмоқда. Чунки, юқори даражадаги агротехнологиялардан фойдаланиш эвазига сув омборларини оптималлаштириш ва уни ишлатишнинг тежамкор принципига ўтиш эвазига мамлакатимизда 1,5 миллиард м³ сувни тежаш имкониятини қўлга киритиш мумкин, деган прогнозлар қилинди. Шунингдек, бугунги кунда "яшил" фермерликка эҳтиёжи ортиб бормоқда. Шу туфайли ушбу соҳага давлатимиз томонидан турли имтиёзлар ва субсидиялар тақдим этишлари ҳам кўзда тутилгани бежиз эмас.

Тўртинчидан, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш учун **киймат занжири**ни шакллантириш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун турли йўналишдаги агрокластерлар ва агрологистика марказлари (1 млн. тоннагача имконият билан) шакллантирилмоқда. Ушбу тизим орқали маҳсулотни қайта ишлаш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспортини кўпайтириш имкониятлари ҳам қўлга киритилади. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалик маҳсулотларимиз Европа, Хитой, Марказий Осиё каби мамлакатлар бозорларига экспорт қилинмоқда. Бу ўз навбатида ўзига хос сифат ва сертификатларга бўлган талабга ҳам жавоб беришни талаб қилмоқда. Бу ҳам маҳсулотларни етиштириш ва қайта ишлашни жаҳон стандартларига мослаштиришга тўғри келмоқда.

Бешинчидан, халқаро шериклик масаласи ҳам бугунги интеграциялашган шароитда муҳим йўналишлардан бирига айланган. Ҳозирги кунда аграр соҳага ҳам, унинг фаолиятини замонавий талабларга жавоб берадиган ҳолатга келтириш учун катта миқдорда инвестициялар жалб қилинмоқда. Ушбу жараёнда янги иш ўринлари яратилиб, агрохизматлар ҳажми ва сифатини оширишга ҳам эришилмоқда. Бунда БМТ/FAO, Хитой, ЖИБ, Япония, ADB каби ташкилотлар билан ҳамкорлик барқарор ривожланиш учун энг яхши манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси агросервис хизматларидан самарали фойдаланиш, замонавий билим ва технологияларини жорий этиш, миллий ва экспорт имкониятларини кенгайтириш, шунингдек барқарор ривожланишни таъминлашга хизмат қилади. Шу боис, уни ривожлантириш нафақат фермерлар учун, балки миллий иқтисодиёт ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун ҳам жуда муҳим ҳисобланади.

Ушбу вазифаларга эришиш учун мазкур соҳани инновацион ривожлантириш йўлига ўтиш лозим бўлади. Агросервис (ёки агрохизмат) хизматларининг инновацион йўналишлари қишлоқ хўжалигида бевосита илғор технологиялар, "ақлли" тизимлар ва замонавий услублар асосида фермерлар ва аграр кластерларга кўрсатилаётган хизматлардан иборат. Буларни қуйидаги йўналишларда ривожлантириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, бугунги кунда замон талабидан келиб чиқиб, мамлакатимизда ҳам **"Ақлли фермерлик"**ни (Smart Farming) ташкил қилиш имкониятини яратишни тақозо қилади. Бунда GPS ва дрон технологияларидан фойдаланган ҳолда ер майдонларини аниқ ўлчаш, унга уруғ сочиш, ўғитлаш, касалликларни аниқлаш кааби масалалар ҳам ҳал қилинади. Шунингдек, интернет сенсорлари тупроқ намлиги, ҳарорат ва ўсимликларнинг ривожланиш ҳолатини назорат қилиш имконияти ҳам яратилади. Бунда



автоматлаштирилган суғориш, хусусан, сув ресурсларини тежайдиган "тамчилаб суғориш" тизимлари жорий қилинади. Бунинг натижасида маҳсулот ҳосилдорлиги ошади, харажат камаяди, сув ва ресурслар тежалади.

Иккинчидан, яна бир йўналиш мазкур соҳада қўлланиладиган **агро-ахборот технологиялари**ни киритиш орқали соҳани жадар ривожлантиришга эришиш мумкин. Ушбу йўналишда мобил илова ва онлайн платформалар орқали бозор нархларини мониторинг қилиш, турли агросервис ахборотларини масофадан олиш ва уларни айнан шу масофадан туриб бошқариш бўйича агроқўлланмаларни ишлаб чиқиб етказиш ишларини амалга ошириш мумкин. Шунингдек, фермерларга маслаҳат ботлари ва дастурларни шакллантириб, агрономия, метеопрогноз ва маҳсулотни қайси бозорга сотиш кераклигини айтувчи дастурлар ҳам тайёрлаш мумкин. Бунинг натижасида фермерларга тезкор қарор қабул қилиш, замонавий технологиялардан фойдаланишга доир билимга эга бўлиш ва бозорга кириш имконияти кенгаяди.

Учинчидан, агросервис хизматларида бугунги инновацион иқтисодиёт талабидан келиб чиқиб, **агротехника хизматларини модернизация қилиш** масаласи ҳам муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Бунда асосий эътибор ҳозирги ишлаб чиқарилаётган янги авлод техникаларидан фойдаланишни йўлга қўйишни тақозо қилади. Бу кам ёқилғи сарфлайдиган, қулай ишлайдиган тракторлар, комбайнлар ва бошқа агротехник воситалардан фойдаланиш имкониятини яратади. Ушбу ишларни тизимли равишда амалга ошириш учун агротехника лизинги ва хизмат марказларини ташкил қилиш ҳам долзарб ҳисобланади. Шу йўл билан кишлоқ хўжалик техникаларини умумий фойдаланишга бериш, таъмирлаш, сақлаш ишларини махсус ихтисослашган субъектлар амалга оширишга муваффақ бўлади. Бу ҳам маълум даражада соҳа самарадорлигини ошириш имкониятларини яратади. Ушбу тадбирлар билан кичик фермерлар ҳам замонавий техникалардан фойдаланиш имконига эга бўлади.

Тўртинчидан, навбатдаги соҳани ривожлантиришга қаратилган инновацион йўналишлардан бири **агрокимё ва биотехнологиялардан** самарали фойдаланиш билан боғлиқдир. Ушбу йўналишда ҳосилдорликни ва касалликларга чидамликни оширадиган инновацион ҳосилдор уруғлар ва биоўғитлардан фойдаланилади. Буларни амалга ошириш учун бионазорат воситаларидан ҳам фойдаланган ҳолда турли зараркунандаларга қарши экологик тозаликни таъминлайдиган йўл билан курашиш имкониятлари яратилади. Натижада замон талабига жавоб берадиган экспортбоп сифатга эга бўлган экологик тоза маҳсулотлар яратилади.

Бешинчидан, бугунги кунда агросервис хизматлари самарадорлигини оширишга қаратилган йўналишлардан бири **логистикани йўлга қўйиш ва маҳсулотларни инновацион усулларда қайта ишлаш** масаласи ҳам долзарб эканлигини инобатга олиш лозим. Ушбу йўналиш ҳам энг самарали усуллардан бири ҳисобланади. Бунда маҳсулотларни йғим-теримдан тортиб сотувгача сифати сақланадиган **совуқ занжир** (cold chain) усулидани жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Бунда маҳсулотларни маълум масофага ташишда ҳам совутгичлар ўрнатилган машиналарда ташиш, уларни сотиш вақтигача яна совутгичларда сақлашни ташкил қилиш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари ҳар бир фермер маҳсулотларини ўз ҳудудида қайта ишлайдиган мини-цеҳларни ташкил қилиш ҳам зарур масалалар сирасига киради. Шу йўл билан тежамкор технологияларни жорий қилиб, маҳсулотларнинг нобуд бўлишини минимал даражага тушуриш мумкин. Ушбу тадбирлар натижасида қиймат занжири узаяди, фермер хўжаликлари ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб берувчи субъектларнинг даромади ва мос равишда фойдаси ҳам ошади.

Олтинчидан, ҳозирги инновацион иқтисодиёт шароитида агросервис соҳасига ҳам **кадрларини замон талабига мос ҳолда тайёрлаш** объектив заруриятга айланиб



бораётганлигини инобатга олиб, бунга ҳам тегишли эътиборни қаратиш лозимдир. Ҳар бир ходим, шу жумладан агросервис соҳасида фаолият кўрсатаётганлар ҳам электрон хизматларни кўрсатишни билишлари кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Бунинг учун фермер ва агросервис мутахассисларига онлайн курслар, вебинарлар ўтказиш масаласини ҳам йўлга қўйиш керак бўлмоқда. Ҳар бир фермер ID орқали рақамли шахсий кабинет, ер, суғурта, кредит, субсидияга онлайн мурожаат қилиш йўллари ҳам билишлари лозим бўлмоқда. Шу йўллар билан барқарор рақамлашган билим орқали хизмат кўрсатиш тизими яратилади.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқотлар натижасини жамлаб шуни таъкидлаш мумкинки, **инновацион агросервис** нафақат техника ва технология, балки ахборот, билим, логистика ва бошқарувни ҳам қамраб олган янги аграр экотизим сифатида шаклланимоқда. Бу хизматлар дунё мамлакатларида, хусусан, Ўзбекистонда ҳам жадал ривожланимоқда. Чунки ҳар бир ҳудудда Агросервис марказлари, "Агроплатформа.уз", "Агроинно-вация агентлиги" каби инновацион лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнларнинг истиқболини тадқиқ қилиш натижасида бир қанча илмий-амалий тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди.

Биринчидан, мамлакатимизда унинг ҳар бир ҳудудини бирлаштирувчи ахборотларни жамлайдиган яхлит рақамли тизим яратилиши мақсадга мувофиқ. Шу йўл билан қаерда қандай ишлар амалга ошириляётганлигини тезкор тарзда аниқлаш ва тегишли боқарув қарорларини қабул қилиш имконияти яратилади.

Иккинчидан, мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи субъектларнинг экспорт салоҳиятини ошириш учун қиймат занжирини шакллантириш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бунда соҳага келадиган даромадлар асосан қўшилган қиймат эвазига оширилиши таъминланади. Бу эса, агросервис соҳаси корхоналари билан биргаликда аҳоли даромадларининг ҳам муттасил ошиб бориш имкониятларини яратади.

Учинчидан, соҳани ривожлантириш экологик тоза ва экспортбоп маҳсулотларни етиштириш учун агросервис соҳасига агрокимё ва биотехнологияларни жорий қилиб, улардан самарали фойдаланиш бўйича мавжуд тажрибаларни кенг тарғиб қилиш ва амалиётда фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экспорти ҳам мунтазам равишда ошириб боришга эришиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу илмий-амалий тавсияларнинг амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётини, хусусан агросервис хизматларини ҳам ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини оширишнинг "Ўзбекистон - 2030" стратегиясида кўзда тутилган кенг қўламли стратегик вазифаларни амалга ошириш имкониятлари яратилади.